

Бу Аллоҳнинг яратганидир!



10:30 / 15.01.2021 2616

Барча қушларда бош суяк тумшуққа бирлашиб кетган. Аммо қизилиштонда тумшуқ билан бош суяк бир-биридан алоҳида тарзда жойлашган.

Шунингдек, у тебранишларни ютадиган, ҳалокатларнинг олдини оладиган махсус амортизатор билан таъминланган. Бу амортизатор тумшуқ билан бош суяк орасидаги қалин тўқимадан иборат. Бу тўқима бошқа қушларда мавжуд эмас. Ўша қалин тўқима (губка) дарахтга зарба бериш пайтидаги ортиқча титрашлар (вибрация)ни ютади. Ушбу губка машиналарнинг амортизаторидан яхши ишлайди.

Танага ташқаридан ортиқча юкнинг тушиши лотинча g (жи) ҳарфи билан белгиланади.

Космонавтлар космик кемада Ер атмосферасига кираётган пайтда уларнинг танасига 3-4 g (жи) оғирликда юк тушади.

Парашютда тушаётган одам парашюти очилган лаҳзада унинг танасига 10 g (жи) оғирликда юк тушади.

